



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 10 июнь. 11 (390)-сон

hamkor.press@mail.ru

АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ: ҚУВНОҚ, ҲАЁТБАХШ, БОҚИЙ...



Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат

ОЛАМДА НИМА ГАП?



РОССИЯ. Ҳукумат хорижий меҳнат мигрантларининг рус тили, РФ тарихи ва қонунчилигига доир билимлари бўйича минимал талаблар даражасини тасдиқлади.

ДАНИЯ. Ҳукумат томонидан Копенгаген яқинида сунъий орол барпо этилишига рухсат берилди. Майдони 2,8 кв. км. бўлган оролда 35 минг нафаргача аҳоли яшаши кўзда тутилмоқда.

ТУРКИЯ. "Фотих" бурғиловчи кемаси Қора денгизда 135 млрд. куб метр ҳажмга эга табиий газ конини аниқлади.

ШВЕЙЦАРИЯ. АҚШ ва Россия Президентлари — Жо Байден ва Владимир Путиннинг 16 июнда Женевадаги

учрашуви вақтида шаҳар устидаги ҳаво ҳудуди ёпилиши маълум қилинди.

ҚИРҒИЗИСТОН. Низоли вазиятга кўра, Тожикистон билан чегарадош Ўш вилояти Чўн-Олой туманидаги 5 та қишлоқ аҳолиси хавфсиз жойга кўчирилди.

ЯПОНИЯ. 2020 йилда кунчиқар юртда 840,8 минг бола дунёга келди. Бу 1899 йилдан бери олиб борилаётган туғилиш статистикаси тарихидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

ТУРКМАНИСТОН. Гурбангули Бердимухамедов Бутунжаҳон велосипед куни муносабати билан оммавий веломарафонда иштирок этди ва амалдорларга истироҳат

боғларининг бугунги ҳолатини сақлаб туриш бўйича топшириқ берди.

КИПР. Бу давлат энг тоза денгизга эга Европа мамлакати деб топилди. Европа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги мутахассисларининг таъкидлашича, Кипр сузиш учун энг қулай жой мақомини сақлаб қолди — республикадаги 100 фоиз пляжларнинг сув сифати "аъло" деб тан олинган.

БМТ. Эрон ва Марказий Африка Республикаси аъзолик бадалини тўламагани туфайли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

УКРАИНА. Мамлакатдаги биринчи қамоқхона — Львовдаги 148-ахлоқ тузатиш колонияси кимошди савдосида 14 млн. долларга сотилди.

14 июндан номинал қиймати 2 000 сўм ва 20 000 сўм бўлган банкноталар муомалага чиқарилади. Купюраларнинг мавзуси "Буюк Ипак йўли" ва мамлакат ҳудудидаги қадимий Бухоро шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси тарихига бағишланган.

ЯҚИН КУНЛАРДА ЯНГИ БАНКНОТАЛАР

Муомалага чиқарилаётган қиймати 2 000 сўм ва 20 000 сўм бўлган пул белгилари айна пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Сўнгги марта Марказий банк янги купюра — 100 минг сўмлик номиналдаги банкнотани 2019 йилнинг февралда муомалага чиқарган эди.

КУН ҲИКМАТИ:

Бир ҳаким зотдан "Инсон кўтариши мумкин бўлган энг оғир машаққат нима?" деб сўрашди.

Ул зот: "Бекорчилик — инсон кўтариб юрадиган нарсаларнинг энг оғиридир", дея жавоб қилди.

Осиё Тараққиёт Банки ҳамда чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган умумий миқдори 20 миллион АҚШ доллари бўлган кредит линияни ажратиш юзасидан келишувни имзолади.

“Ўзбекистон иқтисодиётида кичик корхоналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бизнес субъектлари муҳим ўрин тутди. Лекин улар чекка ҳудудларда зарур молиявий маблағларни олишда муаммоларга дуч келмоқда. Ушбу кредит линияси кичик бизнес вакиллари ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда миллий валютадаги маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиради ва умуман олганда, мамлакатда COVID-19 пандемияси асоратларини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади”, деб таъкидлади ОТБнинг хусусий сектор молия институтлари бўлинмаси директори Кристин Энгстром.

Мамлакатда иш берувчиларнинг 74 фоизи кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатади, иш ўринларининг 69 фоизи эса қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. COVID-19 пандемияси сабабли миллий валютадаги пул маблағларига бўлган эҳтиёж янада ошди. Ушбу талабни қондириш мақсадида кредит линиясининг 80 фоизи айнан чекка ҳудудлардаги бизнес вакилларига йўналтирилди.

— “Hamkorbank” ва Осиё Тараққиёт Банки узоқ йиллардан бери самарали ҳамкорлик қилиб келади. Бир-

ланган, манфаатли ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик асосида иш юритаётганлигини кўрсатади, — деди “Hamkorbank” АТБ Бошқарув раиси Бахтиёржон Жўраев.

Кичик бизнесда гендер тенгли-

ЧЕККА ҲУДУДДАГИЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ



галикда амалга оширилган лойиҳаларнинг сони 10 дан ортиқ. Келишувнинг ўзига хослиги шундаки, ОТБ томонидан 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси “Hamkorbank”га давлат кафолатисиз тақдим этилмоқда. Бу ҳар икки томоннинг узоқ йилларга мўлжал-

гини таъминлаш мақсадида аёллар томонидан бошқарилаётган бизнес субъектларини молиялаштиришда ушбу кре-

дит линия ўз ҳиссасини қўшади. 2019 йилда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган бизнес субъектларининг 11,9 фоизда устав фонди, 14 фоизда эса устав фондининг миноритар улуши аёлларга тегишли бўлган. 2017 йилда мамлакатда жами ажратилган банк кредитларининг 2,5 фоизи аёл тадбиркорларга тўғри келади.

Мазкур кредит линияси мамлакат молия бозорини ривожлантиришга кўмак беради. Миллий валютада облигациялар муомалага чиқарилади. Ривожланган ҳалқаро капитал бозорига киришда имкониятларнинг чегараланганлиги ҳамда депозит маблағларининг камлиги шароитида, ОТБ томонидан узоқ муддатли молиялаштириш жараёнининг амалга оширилиши “Hamkorbank”нинг кредит салоҳиятини янада мустаҳкамлайди.

Наргиза ЭШОНОВА.

ОГОҲЛИК

Бировнинг молига кўз олайтириш узоқ замонлардан бери мавжуд хатти-ҳаракат. Даврга қараб унинг янгидан-янги усуллари намоён бўлади. Пластик карталардан пул ўғирлаш ҳам фирибгарлик ва ўғрилиқнинг замонавий кўринишларидан биридир. Жинойтчилар исталган банк картаси эгасини чув тушириш учун ҳам технологияни, ҳам психологияни такомиллаштирмоқда. Ҳимояланиш воситалари билан пул ўмариш усуллари ўртасида доимий рақобат мавжуд. Фирибгарлар асосан пластик карта ва унинг эгаси ҳақидаги маълумотларни тўрт хил ҳолатда қўлга киритади.

ҲУШЁР БЎЛИНГ: ПЛАСТИК КАРТАГА ҲУЖУМ



Биринчиси — пул ўмарувчи банкоматларга маълумотларни магнит чизикдан ўқийдиган махсус қурилмаларни ўрнатади. Видеокамера ёки клавиатура ёрдамида Пин-кодни ёдлаб олади. Агар бу йўл билан мақсадига етолмаса, ҳакерлик ҳужумларига ўтади.

Иккинчи усул — карта эгалари ҳақидаги маълумотни улар савдо қилган дўконлар ва савдо тармоқлари маълумотлар базасидан билиб олиши мумкин.

Учинчи ҳолат — фирибгарлар карта эгаларига гўё банк томонидан электрон почта орқали сўров юбориб, шахсий маълумотларни тасдиқлашларини ёки янгилашларини сўрайди.

Тўртинчидан — жинойтчи қўнғироқ қилиб, карта эгасидан картани блокдан чиқариш ёки бирон-бир операцияни амалга ошириш баҳонасида керакли маълумотларни қўлга киритади. Масалан, интернетдаги айрим ўйинлар орқали иштирокчига катта миқдордаги ютуққа эга бўлганлиги маълум қилинади, бу пулни ўтказиш учун унинг пластик карта рақами ҳақидаги маълумот сўралади. Катта суммани эшитган карта эгаси ўйлаб ҳам ўтирмай рақамларни ошкор қилади.

Статистикага кўра, 2017 йилда юқоридаги усуллар ёрдамида россияликларнинг банк карталаридан 960 миллион рубль ўғирланган.

Сўнгги йилларга келиб аҳоли орасида ҳушёрлик анча кучайди, шу боис ўғирланадиган пуллари миқдори ҳам камайди. Шундай бўлса-да, фирибгарлар ҳужумидан ҳамиша огоҳ бўлишимиз, бегона шахсларга пул маблағларимиз билан боғлиқ ахборотларни ошкор қилмаслигимиз керак.

ОСИЁ тайёрлади.

ФОЙДА — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Эътиборли жиҳати, корхонада рақобатбардош, халқаро стандартлар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида янгиликларга қўл урилмоқда. Чунки бугун бозор, харидор топиш жуда мушкул. Бироқ ушбу майдонга мослашиш учун изланиш керак. Буни яхши тушунган тадбиркорлар барча имкониятларни ишга солмоқда

“Навоий хунан пулп” МЧЖ тўла қувват билан ишга тушган ва айни пайтда ўз тараққиёт йўлини танлаб олган. Болалар тагликлари ва аёллар гигиеник маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, дастлабки фаолиятини 34 нафар ишчи билан бошлаган эди. Ҳозирда 65 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Маҳсулот сифати юқорилиги боис нафақат, ички бозорда балки, Қирғизистон Республикасида ҳам ўз мижозларига эга, яъни экспорт қилинаётгани қувонарли. “Hamkorbank” АТБ Навоий филиалининг энг йирик мижози сифатида бир неча йилдирки банк кўмагига таяниб келмоқда.

— 2018 йилдан буён хомашё сотиб олиш учун 3 марта кредит олдик. Бу банк корхонамизнинг ривожланишида молиявий кўмакчи ҳисобланади, — дейди жамият директори Рустам Солиев.

Икки сменада иш ташкил қилинган, уч маҳал иссиқ овқат ҳамда ишчи-ходимлар учун йўл харажатлари корхона томонидан қопланади. Жорий йилнинг шу кунига қадар 6 миллиард сўмлик айланма маблағ эвазига қўрилган фойда жамоанинг турмуш фаровонлиги омилдир. Улар турли байрам ва тантаналарда рағбатлантирилиб борилмоқда. Айниқса, Азимжон Қурбонов, Гулшо-да Мусаевалар ҳамкасбларига ўрناк бўлмоқдалар.

Ҳа, ушбу корхона кун сайин ривожланиб бормоқда. Корхона раҳбарининг ишлари бошқаларга ҳам ибратдир. Зеро унинг ҳаракатларида эл-юрт равнақи, аҳоли фаровон турмуши мужассам.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизимда янги ўзгаришларга сабаб бўлди. Республика молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари номзоди Гулнора Муродова билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.



— Фуқароларга фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ёки идентификация-ID-картаси билан пенсия тайинлаш тартиби жорий этилиши ҳақида айтилди. Бу қанчалик тўғри?

— Мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммолар-

пенсия ва нафақалар тўловлари АТ “Халқ банки” филиаллари томонидан етказиб берилмоқда. Бунинг учун 0,9 фоиз хизмат ҳақи олинади. Таҳлилларга кўра, 2020 йилда 35,4 трлн. сўмлик пенсия ва нафақа тўловларнинг 28,1 трлн. сўми, яъни 79 фоиз нақд пул кўри-нишида “Халқ банки”га мазкур тўловларни (нақд пулда) тарқатиш хизмати учун 223,6 млрд. сўм хиз-

ва корхоналарда ишлаган собиқ ишчи-хизматчилар иш ҳақи ва ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги маълумотлари “Ягона меҳнат миллий тизими”да тўлиқ шакллантирилади. Ҳозирда ушбу тизимда 523 минг вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг 4,8 млн. атрофида ишчи-хизматчилари иш ҳақи ва иш стажига оид маълумотлари жамланган. Шунингдек, ходимларнинг оила таркиби, жумладан, қариндошлик даражаси (оила таркиби, эр-хотин, ота-она ва фарзандлари) ҳамда 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар тўғрисида тиббий ҳулосалар бўйича электрон

Пенсия тайинлашда янги тизим

ни бартараф этиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжатлар талаб этилиши ҳамда уларга масъул 14 дан ортиқ вазирлик ва ташкилотларда идора-вий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғоз шаклида иш юритишдан воз кечиш ва ҳужжатларни йиғиш жараёнини рақамлаштиришга тўсиқ бўлиб келмоқда. 2022 йилнинг 1 июлидан бошлаб бунга барҳам берилади, яъни фуқаролардан меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бунда, пенсияга ҳуқуқи пайдо бўлган чоғида ишламайдиган фуқароларга ўзларининг меҳнат дафтарчаларидаги меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларни Бандликка қўмаклашиш марказларига мурожаат қилиш орқали “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиш хизмати жорий этилади ва ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилади. Мана шу электрон маълумотлар алма-шинуви асосида фуқаролардан фақат паспорт ёки идентификация ID-картаси талаб этилади.

— Давлат пенсияларини тўлашда янгилик киритилмоқда. Шу ҳақда ҳам тушунча берсангиз?

— Ҳозирги кунда аҳолига

мат ҳақи тўланган. Бунда банклар ва ихтисослаштирилган ташкилотлар базаси Пенсия жамғармасининг дастурий таъминоти билан боғланади. 2022 йил 1 январдан бошлаб Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилладиган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тўлаш ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ўтказиладиган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Улар билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади. Бу шартлардан келиб чиқиб, хизмат ҳақи дифференциялашган тартибда пенсия ва нафақалар тўланадиган сумманинг 1 фоизгача миқдорида бўлиши мумкин. Етказиш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва республика бюджетни маблағлари ҳисобидан тўланади.

— Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Бу бўйича қандай вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда?

— Унга кўра, вазирлик, идора

маълумотлар базаси яратилади. Яна бир муҳим жиҳатлардан бири, чет элда доимий яшаш мақсадида бўлган фуқароларнинг ҳам электрон маълумотлари “Пенсия” ахборот тизимида автоматик юбориш механизми жорий этиш кўзда тутилган.

Хулоса шуки, кексалар ва фаришлар давлатимиз эътиборида. Уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш устувор вазифалардан саналади. Илгари ҳужжатларни расмийлаштиришга кўп вақт кетарди. Айни йўналишдаги пенсияни тайинлаш жараёнини соддалаштириш, пенсия ва нафақаларни етказишни янада такомиллаштириш тизими жорий этилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 290 минг фуқарога пенсия тайинланади. Ҳужжатларни расмийлаштириш учун 14 та ташкилотдан 30 турдаги ҳужжатлар талаб этилади. Ушбу ҳужжатларни йиғиш учун ўртача 2 ойгача вақт кетарди. Эндиликда ушбу овозгарчиликларга барҳам берилмоқда. Фуқароларга пенсия бўлимларига бормасдан электрон мурожаатлари орқали интеграциялашган ҳолда нафақа тайинлаш тизими йўлга қўйилади. Юқорида келтирилган қарорга мувофиқ, вазирлик ва идораларнинг барча ахборот тизимлари, улардаги маълумотлар рақамлаштирилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
Ҳолида ҚОБУЛОВА.

Ижтимоий тармоқларда “ozodlik.org” агентлигининг веб-сайтида Ўзбекистон ҳудудида мактабларни таъмирлаш учун ўқувчиларнинг ота-оналаридан мажбуран пул йиғиб олиниши тўғрисида эълон қилинган мақола жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда.

МАКТАБДА ПУЛ ЙИҒИШ ҚОНУНГА ХИЛОФ

Таълим тизимида бўлган эътибор жамиятимиз олдидаги энг долзарб масалалардан. Мақолада кўтарилган мавзуга бефарқлик, кўз юмиш ёки рад этиш ҳам қийин. Бироқ, яқин-яқин йилларгача ҳам мактаб таъмири ва айрим жиҳозлар учун пул йиғиб келинган. Бу ҳолат ҳамон давом этаётгани ҳам айни ҳақиқат. Нарх-навонинг ўсишини ҳисобга олганда, бугунги кун учун 30-40 минг сўм унчалик катта пул эмас. Бир неча йиллар илгари аксарият ота-оналар бундай йиғимларни беришга қийналарди. Ҳозир ҳам бера олмайдиган оилалар бор.

Мактаб маъмурияти пул билан боғлиқ тадбирлар ҳақида гапираётганда ҳеч бир ота ёки она унинг ҳуқуқий томонлари билан қизиқмаган. Шу каби муаммоларнинг юзага келишига ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаслигимиз сабаб эмасмикин? Ваҳоланки, Конституциямизнинг 41-моддасида таълим бепул эканлиги ва давлат томонидан кафолатланиши ёзиб қўйилган. “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорнинг 9-бандида эса умумтаълим мактабларини ўқув-услубий материаллар, техник ва ахборот воситалари билан таъминланиши, умумий ва ўрта таълим тизими муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқувчилар учун санитария-маиший ва ижтимоий шароитлар тегишли вазирликлар ва ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.




Тизимдаги қонун бузилиш ҳолатлари фақат ўқувчилар ўртасида эмас, ўқитувчиларнинг фаолиятида ҳам кузатилади. Педагоглар ўқув дарслари ва тадбирлар учун зарур моддий қўлланмаларни айрим ҳолатларда ўзларининг ҳисобидан тайёрлайди. Кўرғазмаларга қўйиладиган жиҳозлардан тортиб, то дарс жараёнида фойдаланиладиган ўқув материаллари, ахборот воситаларига “устознинг чўнтаги” дан бўлишини ҳаммамиз яхши била туриб бундан кўз юмиб келамиз. Бугун бу ҳолат ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди, биз эса ҳамон жиммиз. Зеро, дўппини ёнбошга олиб ўйланадиган ва муаммоларга ечим топадиган вақт келди.

Илҳомжон АБДУЛАЗИЗОВ.

"HAMKORBANK" МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

“Hamkorbank”да масъулият ва сидқидилдан ишласангиз, албатта, меҳнатингизнинг роҳатини кўрасиз. Бизнинг банк каби илғор иш услубига эга, ходимлар учун керакли шароит яратиб берган бошқа молия муассасасини билмайман. Юқори маош, бепул тушлик, доимий ўқув-тренинглари. Тўғриси, ишлаш учун қулайлик, имконият бундан ортиқ бўлмайди. Энг муҳими, касбим фарзандларимга ёқади. “Ойи, яхши жойда ишлайсиз, бундан фахрланаман”, дейди тўнғич қизим. Шунинг ўзи мен учун катта рағбат.



ЮТУҒИМ — БЕХАТО ИШЛАГАНИМ

Кассада бир кунда ўртача 2 миллиард сўмгача нақд пул билан муомала қиламиз. Бирон марта пул борасида мижозлар билан зиддиятга бормадик. “Hamkorbank”ка сиз нима бера олдингиз?” деган саволга ҳам жавобим шу. Беҳато, ҳалол ишлаганимнинг ўзи шу банк ривожига қўшган ҳиссам бўлса керак.

Ўқишни битириб қўйди шу тизимга келганман. 2000 йилда Чиноз филиалида компьютер мутахассиси сифатида иш бошлаган бўлсам, кейинчалик пул ўтказмалари, бухгалтерия, омонатлар бўлимида фаолиятимни давом эттирдим. Бу орада турмушга чиқиб, уч нафар фарзанд кўрдим. Ҳар сафар таътилдан иш жойимни соғиниб қайтардим. 2010 йилдан касса мудирлигини ишониб топширишди. 2018 йилдан яшаш жойимиз ўзгарганлиги муносабати билан Шайхонтоҳур филиалига ўтдим ва вазифамни давом эттирдим. Насиб қилса, яна узоқ йиллар шу жамоа билан бирдамликда иш олиб бораман, деган умиддаман.

Гулноза АЗИЗОВА,
Шайхонтоҳур филиали касса
амалиётлари бўлими мудир.

ТАҚДИРИМДАН ХУРСАНДМАН



1997 йилда “Андижонбанк”га стажёр бўлиб келганман ва икки йил давомида иш ўргандим. Аввалига оддий кассир, кейинчалик ҳисобчи-бухгалтер ва бошқа банк хизматларини бажаришда устозларим аҳоли билан ишлаш бўлими бошлиғи Ҳалима Ибрагимова ҳамда Мавлуда Абдулҳаевалардан соҳанинг сирасорларини ўргандим. “Мустақиллик” минни банкида ишладим, “Фурқат” банк хизматлар офисини бошқардим. Ҳозирда Избоскан туманида фаолият олиб бораётганман. “Hamkorbank”да дўст орттирдим, маънавий бойликларга эга бўлдим. Айниқса, оиламнинг тўқислигини таъминлашда банкнинг ҳиссаси катта.

Банк ҳовлисида бассейн бўлиб, унинг ёнгинасида мўъжазгина ошхона бўларди. Тушликка чиққан ходимлар раҳбаримиз Икромжон ака чиқмагунларича таомга қўл урмасди. Бу у кишини қаттиқ ҳурмат қилишимиз ва суҳбатларини жон қулоғимиз билан тинглаш учун вақтни асраш эди. Негагини биласизми? Дунё кезганлиги боис турли давлатлардаги банк тизими, шароитлари ва янгиликларидан сўзлаб берарди. Ана шу жараёнлар биз каби ёш ходимлар учун ҳақиқий сабоқ берган.

Мижозлар билан ишлаш, сифатли хизмат кўрсатиш, хоҳ ишда, хоҳ тўй-маъракаларда бўлсин, ҳамкасбларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлишларида маънавият дарсларини ўтаган, десам ҳам бўлади. Ана шунинг ўзи ҳаётимда алоҳида ўрин тутди. Умрнинг чопағонлигини қарангки, шунча фурсат гўё бир зумда ўтиб кетди. Демак, тақдиримда банкда ишлаш, яхши инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ёзилган экан. Бундан бахтлиман.

Улуғбек ИШАНЧАЕВ,
Избоскан БХО кичик менежери.

Қаҳрамонимни илк бор фахрийлар учун уюштирилган дам олиш саёҳатида кўрдим. Хаёлимга келган биринчи савол шу бўлди: “Бу опа кексалар орасида нима қиляпти. Жуда ёш-ку...”. Яқиндан танишиб, суҳбатлашганимдан сўнг билдимки, у 58 ёшни қарши олибди. Ҳозирда уйда набиралар тарбияси билан банд. “Hamkorbank” АТБ Қўқон филиалида узоқ йил ишлаб, ҳозирда кексалик нафақасида бўлган Раъно Абдураззоқова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

“ИМҚОН БЕРИЛСА, ЖОН ДЕБ ИШЛАР ЭДИМ”

ЯНГИ ФИЛИАЛ УЧУН ЯНГИ ХОДИМ

Бошқа банклардаги 16 йиллик фаолиятимдан сўнг 1999 йилда “Hamkorbank”нинг янги ташкил этилган Қўқон филиалига ҳисобчи сифатида қабул қилиндим. Кейин кадрлар бўлимида, минни банкда ишладим, назоратчи бухгалтер бўлдим. 2012 йил касса бўлимига ўтказишди. 2017 йил касса мудирлиги этиб тайинландим. 2019 йилда шу лавозимдан нафақага чиқдим.

Филиалга келганимда ҳамма амалиётларни ҳам билавермас эдим. “Hamkorbank”даги 20 йиллик фаолиятим менга катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Валюта ва ходимлар билан ишлаш, одамлар билан муомала қилишни, пул санашни ва бошқа вазифаларни мукамал ўргандим.

МУАММОЛАР ҲАМ БЎЛГАН

Биринчи иш бошлаганимизда фақат 3 та компьютер бор эди. Деярли барча банк операцияларини қўлда бажарардик. Масалан, ҳар куни эрталаб мижоз келишига “выписка”ларни қўлда ёзиб, тайёр қилиб турганмиз. Ўша пайтда Қўқон шаҳрида банклар кўп бўлгани сабабли рақобатга дош бериш ва мижозларга ёқиш учун ишга бор эътиборимизни қаратганмиз. Энди эса шароитлар умуман бошқача. Бугунги ходимлар мана шундай имкониятларнинг қадрига етиши керак. Агар ҳозир яна ишлаш имкони берилса, бажону дил рози бўлардим.

ҚУТИ ИЧИДАГИ ҲАМКАСБИМ

Бу жамоа менга бир умрга ёддан чиқмайдиган хотираларни инъом этди. Ёдимда. 2000 йил режани ортиги билан уудалганимизда бош банкдан келиб табриклашган ва соч қуритадиган фен туҳфа қилишган. Совғани кўриб, роса қувонганман. Сабаби, у пайтларда бунақа ускуна деярли жуда кам аёлларда бўларди.



2017 йилнинг декабрь ойи ҳам ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша йилнинг якунида жуда қаттиқ ишладик. Бошқарувчимиз ҳамма касирларни саҳнага чиқариб, гул ва фахрий ёрлиқ билан қутлаган. Унгача касса ходимларига у қадар эътибор бўлмагани учун бу эътирофдан бошимиз кўкка етган.

55 ёшга тўлганимдаги туғилган куним ёддан чиқмайдиган тарзда нишонланган. Ўшанда жамоа йиғилиб, дил сўзларини изҳор қилганидан кейин, бошқарувчимиз ўртага қўйилган катта қоғоз қутига ишора қилиб, уни очишимни айтди. Қутини очсам, ичида Камрон исми ҳамкасбимиз қўлида менга қараб гул тутиб ўтирибди. Бу воқеадан роса қулишганмиз. Камрон иш пайтида доим мени жиғибийрон қиларди. Ҳамма айбини шу билан ювди-қўйди.

ЁШ КЎРИНИШИМ- НИНГ СИРИ

“Пенсияга чиққанман”, десам кўпчилик ажабланади. “Юзингизда бир дона ҳам ажин йўқ экан”, дейишади. Аввало, соғлом ва бахтиёр эканлигимда намунали меҳнат муҳитини яратиб берган “Hamkorbank”нинг ҳиссаси катта. Қолаверса, ўзим ҳам соғлом турмуш тарзига риоя қилувчи инсонлар тоифасига кираман. Ишхонам билан уйимнинг

оралиғи 7 км. бўлиб, узоқ йиллар шу йўлнинг ярмини пиёда босиб ўтганман. Кўп миқдордаги сув истеъмоли, эрталабки машқларни канда қилмайман. Таомнамдан нонни камайтириб, меваларни кўпайтирганман. Икки нафар келиним бўлса ҳам, сахар туриб, ҳовли супуришга ҳаракат қиламан. Уй юмушларини бажаришдан эринмайман. Шукрки, турмуш ўртоғим билан икки ўғил, келинлар ва тўрт нафар набира қуршовида бахтли ҳаёт кечиряпмиз.

ҲУРМАТ ҚИЛСА, ҲУРМАТ ТОПАДИ

Уйда ўтирган бўлсам, собиқ жамоам томонидан ҳеч қайси байрам ва маросимларда эсдан чиқарилганим йўқ. Тадбирларга чақириб, совғасаломлар беришади. Мен каби филиалимиздаги яна тўрт фахрийга ҳам худди шундай илтифот кўрсатилмоқда. Биз ёши катталардан меҳрини, эътиборини аямаган банкчимиз раҳбарияти, филиалимиз бошқарувчиси ва бошқа ходимларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Эътибор биз нафақадагилар учун катта мукофот, қолаверса, юрагимизга мадор, танамизга куч беради. Илоҳим, бизни йўқлаб, ҳурмат кўрсатгани учун ўзлари ҳам ҳамиша ардоқда бўлсин.

Нигора МИРОЛИМ ҚИЗИ
ёзиб олди.



“Hamkorbank” АТБ нинг Самарқанд филиали тўнғич муассасалардан бири. Умиджон Низомов раҳбарлигида 86 нафар банк ходими мижозларга замонавий молиявий хизматлар кўрсатишда ўзига хос тажриба мактабини яратиб, вилоят иқтисодиётининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Ҳар бир мижоз эътиборимизда, — дейди филиал бошқарувчиси ўринбосари Амириддин Авалов. — Бу банкимизга бўлган ишончни оширомоқда. Мақсадимиз — “Hamkorbank” нинг 30 йиллигини янада катта ютуқлар билан кутиб олиш.

Бекзод МУТАЛИБОВ
олган суратлар.



Жамоа гўё бир оила-ўзаро илиқ, хушмуомала ва ҳурматда. Уларнинг табиатига бир-бирларини эъзозлаш, қадрлаш каби инсоний фазилатлар сингиб кетган. Шундай бўлиши ҳам керак. Ахир куннинг асосий қисмини бирга, банкда ўтказишади. Ҳар бир ходимнинг руҳий ҳолатига эътибор қаратилади, қувончу ташвишлари билан ҳисобламиз. Кун давомида уларнинг ана шу ҳолати, айниқса, яхши кайфияти муваффақият ва сифатли хизмат асосидир. Шундан бўлса керак, жамоамиз “Бир киши ҳамма учун-

Қувасой Фарғона водийсининг саноатлашган шаҳарларидан ҳисобланади. “Hamkorbank” АТБ Қувасой филиали шаҳарнинг марказида жойлашган, ҳозирда 64 нафар ходим ишлаб келмоқда. Филиал ўз фаолиятини 2003 йилда бошлаган бўлиб, бир неча бор йил якунлари бўйича энг юқори натижаларга эришган. Намунали хизматлари ва мижозлар билан ўзаро муносабатлар стандартлари сифати учун 1-ўринга сазовор бўлган. Бугунги кунда филиалнинг 3 та — “Ҳамроҳ”, “Кува” ва “Фарғона” банк хизматлари офислари мавжуд.

ЖАМОА–ОИЛА, УНДА МЕҲР–МУҲАББАТ МАВЖУД бу туйғулар қувасойликларнинг қарашларида муҳасам



ҳамма бир киши учун!” шиори доирасида бирлашган.

Жамоамизда устозлик-мураббийлик анъанаси юқори. Соҳада узоқ йиллар ишлаган, малакали мутахассислар ёш кадрларга, касб сирларини сидқидилдан ўртадиладар. Ходимларнинг доимо ўз устида ишлашлари, изланишлари натижасида, 2020 йилда 3 нафар ҳамкасамимиз Банк-Молия академиясига ўқишга кирди.

Филиалда ҳар бир ходимнинг алоҳида ўрни бор. Мисол учун, жонкуяр ҳамкасбимиз Баҳодиржон Мелибоев меҳнаткашлиги, зук-

Жамоа “COVID-19” пандемияси даврида бир-бирига меҳрибонлиги билан ҳам руҳан, ҳам маънан қўллаб-қувватлади. Бунда илгариги раҳбаримиз Фарҳоджон Махсудовнинг ўрни салмоқли. Унинг ҳар доим: “Банк тизимида барчамиз ўз йўналишимизда биргаликда ҳаракат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришамиз. Шу давргача қўлга киритган ютуқлар ҳаммамизники. Ҳалоллик, шаффофлик билан виждонан иш олиб борсак, юқори натижалар бизники”, дея таъкидла-

ши жамоага руҳ берди. Айни пайтда филиалга раҳбарлик қилаётган Ҳусниддин Юлдашев ҳам эзгу ишларни амалга оширишга астойдил киришган. Қисқа фурсатда жамоанинг ҳурматини қозонди.

Филиал ошхонасида пазанда



ошпазлар дастурхони кўнглимизни янада кўтаради. Миллий ва Европа таомларининг хилма-хилли-



ги ва сифатига гап йўқ. Улар тўғри овқатланиш тартибига қатъий амал қиладилар. Табиий маҳсулотлардан тотли шарбатлар тайёрлашади. Турли ноз-неъматлари ширин таомлар билан безатилган дастурхон атрофида чинакам меҳрни туямиз. Ошпаз Зухраҳон Абдурахмонованинг қўллари ширин, дея алқаб қўямиз. Филиалга келгувчилардан фақат мақтовлар эшитамиз. Бунда, албатта, бошланғич касаба уюшма раиси Умидахон Мамаюсупованинг хизматлари катта.

Фахрийларни йўқлаш анъанага айланган. Байрамларда кўнгилларини олишга интиламиз, тадбирлар уларсиз ўтмайди. Дуолари ила юқори натижаларга эришмоқдамиз.

Айни пайтда биноимизнинг янги жиҳозлар ва замонавий компьютерлар билан жиҳозланиши кайфиятимизни янада кўтарди. Қулай шароит, яхши ҳордиқ, табиат қўйнида дам олиш иш унумини юксалтиромоқда. Айни дамда биринчи ярим йилликни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида астойдил ишламоқдамиз.

Нафисахон ТОШМАТОВА,
Қувасой филиали
мидл офис менежери.

2010 йилда "Hamkorbank"нинг қадами олис қорақалпоқ диёрига ҳам етиб борди. Нукус шаҳрида етти кишилик жамоадан ташкил топган навбатдаги филиал ўз ишини бошлади. Орадан йиллар ўтди. Ишлар фақат олдинга илгарилади. Ҳозирги кунга келиб бу тармоқ 107 нафар ходимни ўз бағрига олган банк муассасасига айланди.

Кўрсаткичлар филиал фаолиятининг ойнасиدير. Узоққа бормаи, шу йилнинг биринчи чораги якунидаги рақамларга назар солай-

жига ҳисса қўшаётганлиги, қийинчиликларга "лаббай" деб жавоб бериши ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бундай садоқат ва сабр-тоқат ортида Сотволди Самиев, Зиёдулло Усмонов, Хуршидбек Қобилов, Отабек Якуббеков, Мусоҳожжи Асронов каби устозларидан ўрганган сабоқ ва ўғитлари ётибди. Унинг қорақалпоқ диёри ва у ерда "Hamkorbank" номини элга танитаётган инсонлар ҳақидаги фикрларига қулоқ тутдик.

ХАРАКТЕРИ ИШИДА НАМОЁН ЖАМОА

лик. Унда 306 миллиард сўм кредит портфели мавжудлигини кўра-миз. Шундан 111,5 миллиард сўми чакана йўналишга тааллуқли. Бу бўлимнинг ўзида 9070 та мижоз мавжуд. Жамоанинг ютуғи шунда-ки, у Қорақалпоғистон республикасидаги банклар орасида чакана бизнес ва ипотека йўналиши бўйича кредитлар ажратишда биринчи ўринда туради.

Мазкур муассасага ҳозирда Шаҳрихон филиалидан етишиб чиққан тажрибали банк ходими Зиётбек Қодиров раҳбарлик қилади. Унинг айтишича, олис ҳудудга бориб, у ердаги банк риво-



14 ТА БАНК РАҚОБАТЧИ

Нукус шаҳрининг марказида 14 та банк жойлашган. Улар деярли бир-бирига қўшни. Шулардан бири "Hamkorbank". Филиалга кунига 400-450 нафар мижоз ташриф буюради. Бунга сабаб ходимларнинг муома-ла маданияти ва хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги. Валюта айрибошлаш, пластик карта очи-риш, омонат, микроқарз, автокре-дит, истеъмол ва ипотека кредит-лари бугун аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган хизматлар ҳисобланади. Ҳар ой республика бўйича энг юқори, яъни 2 миллиард сўмга яқин ипотека кредитини ҳам айнан Нукус филиали беради.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ 6 ТА БХО

Бугун филиалга қарашли 6 та банк хизматлари офиси фаолият олиб борапти.

Ҳамма туманларда ҳам банк шохобчаларини очиш имкони бўл-магани учун мамлакатнинг шимо-лий ҳудудига "Қўнғирот", жанубига "Тўртқўл", ғарбий қисмига "Амударё", шарқий томонларга "Қорақум" ва "Эски шаҳар" банк хизматлари офиси хизматларини тақдим этапти.

Айрим ҳудудлардаги аҳоли узоқ йўл босиб бўлса ҳам марказга, Нукус филиалига боради. Чинакам мижозга на вақт, на масофа тўсқинлик қилади. Ваҳоланки, Нукусга энг яқин туман 50 км. бўлса, энг узоғи 450 км.ни ташкил қилади.

БАРЧАСИ МАҚТОВГА САЗОВОР

Бу жамоанинг ўзига хос жиҳати ходимларининг ўта меҳнаткаш ва ҳалоллигида. Битта Чакана бизнес бўлими ходимининг ўзи мингталаб кредит чиқаради.

Сарвар Сейитов, Айдуз Сапа-

ров, Азамат Бердимуродов, Исло-Аметовлар чакана хизматлар бўйи-ча, Баҳодир Хўжанов, Шоҳруҳ Дав-латов, Периз Камаловалар юри-дик мижозларга хизмат кўрсатишда фаол. Банк хизматлари офислари-



Бу халқнинг урфлари роса ёқди. Масалан, бит-та одам тўй қилса, бутун маҳалла дастурхон тузаб, унинг меҳмонларини кузатади. Бунақа ажойиб тўйни бошқа ҳеч қаерда учратмайсиз. Энг зўр тўкин-сочин тўй қорақалпоқда бўлади.

"Худайқўноқ" деган ода-тига умуман қойил қолдим. Аҳоли яшайдиган битта овул билан иккинчисининг ораси-да анча масофа бор. Мабодо манзилга етолмай, кеч қолсангиз, дуч келган эшикни тақиллатасиз. Уй эгаси дарҳол сизни ичкарига таклиф қилиб, тунаш учун жой беради. Бу юртда ҳеч ким кўчада қолмайди, ҳар битта хонадонда "Худайқўноқ" учун алоҳида хона тайёрлаб қўйилади. Меҳмоннинг

ни бошқараётган Кайсар Садакба-ев, Абат Халилаев, Амангелди Айт-жановларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш ўринли. Пластик карта менежери Райхан Ниязова, "Хўжай-ли" БХО универсал менежери Марал Ўразимбетоваларни ҳар доим қизгин иш жараёнида учратасиз. Касби-га бўлган меҳри сабабли мижозлар-нинг барча инжиқликларини кўта-ради.

Ходимларнинг ишга бўлган ёндо-шуви туфайли республикадаги энг йирик корхона, ташкилотлардан ҳисобланган Қорақалпоқ вино заво-ди, Халқаро аэропорт, "Евробитон" каби муассасалар "Hamkorbank" мижозига айланган.

кимлиги, қаердан келганлигини сўрашмайди, муҳими — мусофир-нинг ноқулай шароитда қолмаслиги. Меҳмонга шу даражада илтифотли, меҳр-оқибатли бу халқ.

Мана шу ажойиб хислатларнинг барчаси иш жараёнига ҳам ўз таъси-рини кўрсатмай қолмаган. Шунинг учун "Hamkorbank"нинг қорақалпоқлардек меҳнат-каш, содда, оқибатли, виждонли халқ яшайди-ган юртдаги фаолияти омадли ва муваффақиятли кечмоқда.

Тўғриси, икки йилдан ортиқ фаолиятим давоми-да қорақалпоғистонликларнинг жуда кўп ўртак олса

УРФ-ОДАТЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛДИМ

арзийдиган хислатларига гувоҳ бўлдим. Нега бу фили-алнинг кўрсаткичлари зўр, десам қорақалпоқ халқининг характери тан беради-

ган даражада экан. Бу ерда ишлаб маза қиялман, об-ҳавосининг ноқулайлиги ҳам Нукусда қолишимга тўсқинлик қила олмаяпти. Ҳозирча, филиалдан кетиш ниятим йўқ, Банк бошқаруви ва жамоамнинг менга билдирган ишончини оқлашим зарур.

Н. ТЎХТАМАТОВА сўхбатлашди.

САМИМИЙ САТРЛАРДА МЕҲР МУЖАССАМ

Маҳмудахон Парпиева аслида муаллима. У Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ишлайди. Муаллима ижодкор, қоғоз қоралаб туради. Унинг битиклари қалбларни жумбушга келтиради.

Ёшлар мураббийи бўлганлиги боис эстетик тар-бия, одоб-ахлоққа оид шеърлари мужассам. Шоир-ликка даъво қилмасада, ўз мухлисларига эга. Яқинда "Машраб" нашриёти томонидан чоп этил-ган "Онам учун" деб номланган илк китоби мухли-слар қўлига етди.

Маҳмуданинг содда ва оддий сатрларида меҳр-

муҳаббат мужассам. Ҳар бир инсонни уйғоқликка чорлайди, шукроналик ҳиссини туюшга ундайди, самимий сўзлар ила юрагингиздан жой олади. У илк китобини волидасига совға қилди. Бахтиёр она-нинг кўзларидаги қувонч ёшлари институтда таш-кил қилинган тақдирот маросимида иштирокчи-ларнинг қалбини тўлқинлантириб юборди.

Тадбирда афғонистонлик бобуршунос Саодат Асиф ҳамда наманганлик шоира Дилором Эргаше-ва, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Носир Аббос ҳамда Чўлпон фонди раҳбари, шоир ва носир Ғани Маждид, Ҳалимаҳон Кимянова, инсти-тут профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ишти-рок этдилар.

Қозғистон Республикаси Дунё талантилари уюш-масининг Ўзбекистондаги координатори Муқомжон Нурбоев сўзга чиқиб, шоиранинг бугунги ютуқлари ҳақида сўзлади ҳамда Қозғистон халқ шоири Абай номидаги кўкрак нишонини топширди.

Н. ДОЛИМОВА.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиали шифокори, олий тоифали онкохирург Муҳаммадий Мамадалиев билан суҳбатимиз онкологик касалликларнинг бугунги кундаги ҳолати ва даволаш ҳақида бўлди.



— Назаримизда бугунги шиддатли даврда саратон касалликлари кўпайгандек...

— Сўнгги пайтда онкологик касалликларга бўлган эътибор кучайди. Хасталикни барвақт аниқлаш учун бирламчи бўғимларда кенг қамровли скрининг текширишлар амалга ошириляпти. Авваллари беморлар шикоятлар юзага келгандагина мурожаат қилган. Касаллик аломатлари

кераклигини айтди.

Олдин беморни кўриб келиб, стационар текширишга таклиф қилардик. Айрим беморлар оилавий шароити ёки бошқа сабаблар туфайли кўрикка келолмасди. Натижада касаллик кучайиб, кейинги босқичга ўтиб кетар эди. Ҳозирда кўча маммографда мутахассислар жойларга бориб, туғруқ ёшидаги аёлларни комплекс тарзда назоратдан ўтказишди. Бу касаллик қанча барвақт аниқланса, беморга ҳам шифокорларга ҳам катта фойда.

— Кечаги тиббиёт билан бугунгисининг фарқи катта. Бу натижаларга ҳам таъсир кўрсатяптими?

— Албатта. Жаҳон стандартлари асосида даволаш ўтказилаётгани натижада олдинги йилларга қараганда беморларнинг яшаш сифат кўрсаткичлари ўсди. Авваллари беморлар онкология шифохоналаридан жуда кўрқарди. Ҳозирда тиббий маданият ўсгани туфайли кўрқмай ўзлари келяпти. Ҳукуматнинг эътибори, дори-дармонлар, озик-овқатлар бепул эканлиги ва бошқа шароитлар ҳақида бошқаларга ҳам

эса 3-4 босқичларда юзага келади. Аслида касалликнинг фоизи кўпайгани йўқ, шунчаки текширувлар такомиллашди.

— Айни пайтда қайси онкологик хасталик етакчи?

— Ҳозирда сут беи, аёллар жинсий органлари, ошқозон ва тери саратони етакчилик қилади. Туғруқ ёшидаги аёлларда ўсма касалликларининг ривожланишига сабаб бўлувчи турли ҳолатлар кўп учрагани учун, кўрсаткичда улар етакчилик қиляпти.

— Бугун саратонга чалиниш аҳолининг тахминан неча фоизда кузатилади?

— Бу ҳолат фоиз билан белгиланмайди, шунчаки рақамларга эътибор қаратамиз. Масалан, Андижон вилоятида 6685 нафар бемор шу хасталик билан рўйхатда туради. Беморларнинг кўпчилиги 5 йил яшовчанлик кузатувида. Улар ҳар олти ой ва бир йилда текширувга келади. Ривожланган мамлакатлар қаторида биз ҳам яшовчанликни 10 йилга етказишга ҳаракат қиляпмиз. Бу онкологиядаги катта натижа ҳисобланади.

— Давлат раҳбарининг шу соҳага қаратган эътиборидан кейин қандай ўзгаришлар юз берди?

— Президентимиз шу йилнинг 13 майида онкология ва гематология бўйича видеоселектор ўтказди. Онкология шифохоналарига ташриф буюриб, у ердаги ҳолат билан яқиндан танишганда ҳар бир вилоятда мобиль маммографлар бўлиши



баралла айтяпти.

— Демак, муолажалар бепул?

— Ҳа, бунинг учун яшаш жойидан йўланма бўлиши керак. Маҳаллий онколог кўригидан кейин ордер билан келган беморлар 100 фоиз бепул текширилади ва даволанади.

— Даволашда янги усуллар жорий этиляптими?

— 10 та бўлимдан иборат 185 ўринга мўлжалланган тиббиёт масканимизда 461 нафар ходим фаолият юритаётган бўлса, шундан 61 нафари врач. Аввал шифохонамиз онкология диспансери дейиларди. Ҳозирда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон филиалига айлантирилди. Натижада ривожланган давлатлардаги онкологик шифохоналар билан телемедицина орқали мулоқот қилиш, жаҳон илмий конференция, конгрессларда қатнашиш, улар билан мунтазам алоқада бўлиш имконияти юзага келди.

Шифохонамизга республикада биринчилардан бўлиб, Европа андозлари асосида даволайдиган нур ускунаси ўрнатилди. Чехиядан келтирилган бу ускуна яқин кунларда ишга тушади. Бундан ташқари, жарроҳлик амалиётлари кесиш орқали эмас, лапароскопия ёрдамида амалга ошириляпти. Таҳлилларни қон орқали аниқлаб берадиган ускуналар ишляпти. Кимётерапияда дозиметр ускунаси қўлланилади. Бу ускуна вақтга қараб, дорини автоматик тарзда юборади.

— Мутахассис сифатида қандай маслаҳат берасиз. Нима қилсак, бу хасталик ҳаётимизга хавф солмайди?

— Ҳар қандай касалликдан энг яхши ҳимоя — соғлом турмуш тарзи. Биринчи навбатда асабни асраш ва тўғри овқатланиш керак. Ортиқча вазн орттирманг, кийинишга эътибор беринг. Семириш кўплаб хавфли касалликларнинг ривожланишига замин яратади. Сунъий матолардан тайёрланган кийимлар узоқ вақт териға тегиб

ишқаланиши натижасида ўша ерда жиддий ўзгаришлар юзага келиши мумкин. Шу боис пахтадан тайёрланган матолардан тикилган кийимларни тавсия қилган бўлардим.

Болаларга “чипс”, “хрусти” каби ярим тайёр маҳсулотларни берманг. Ҳар хил инфекцияларга эътиборсиз бўлиш ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Хуллас, ҳар бир инсон соғлигидаги озгина ўзгаришга ҳам безътибор бўлмай, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилса, ҳамиша жони омон, умри узоқ бўлади.

БЕМОРЛАР КЎНГЛИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ...

Суҳбатдан сўнг саратон касаллигининг 3-4 босқичидаги беморлар даволанаётган паллиатив бўлимга кирдим. Бўлим оғир босқичдаги беморларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган экан. Шароитлар яхши, болалар учун хоналар махсус безатилган. Манзаралар қанчалик гўзал, даволаш қанчалик зўр бўлмасин, ҳеч кимнинг бу ерга иши тушмасин...

Бўлимда бир ёшли гўдақдан тортиб, кекса отахон-онахонларгача бор. Уларнинг дарди, ичидан ўтаётган кечинмалари, руҳий изтироблари-ю, тана оғриқлари фақат ўзларига аён. Кўзим пештоққа тикил-



ганча жим томчи инекция олиб ётган 11 ёшли Файзулло Бахтиёровга тушди. У мия ўсимтаси билан бир неча ой олдин жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган экан. Айни вақтда шифохонага кимётерапия муолажаларини олгани келибди. “Беморнинг бувисиман”, деб ўзини таништирган аёл набирасининг болаликда йиқилиб, бошидан қаттиқ жароҳат олгани туфайли шу касалликка чалингани ҳақидаги тахминни айтди.

Суяк сарокомасига дучор бўлиб, бир оёғидан бутунлай айрилган 14 ёшли Аҳмадуллога қараб, юрагингиз эзилади. Бу болакайнинг тақдири бунчалик шўр бўлмаса? Айни ўйнаб-қулиб, таълим ўргандиган ёшда нега бу кўрқинчли хасталик чангалига тушди. Ахир, у ҳали бир олам орзу-умидларга эга гўдак-ку. Ачинарлиси, Аҳмадуллонинг таҳлиллари тобора ёмон натижаларни кўрсатаётган экан. Унинг онаси Шаҳнозахон барча ота-оналарни хушёрликка, фарзанди соғлигига бефарқ бўлмасликка чақирди. “Боланг дард чекса, бундан ортиқ азоб йўқ экан, илоҳим, ҳеч кимнинг фарзанди бу касалликка чалинмасин”, деди юрак-бағри адо бўлган онаизор...

Ҳар бир палатага кирсангиз, бир олам дард, бир олам изтироб, андуҳни ҳис қиласиз. Аммо беморлар буни ошкора ифода этмайди. Ҳеч бири шу ҳолатидан нолиётгани йўқ. Қайтанга шифокорларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилди.

Шифохонадан чиқар эканман, бу ерда ётган барча хаста инсонларга Аллоҳдан шифо сўрадим.

НИГОРА суҳбатлашди.

Сиз учун

**ҲОЙДАЛИ
"20 ДАҚИҚА"**

қоидаси...

Кун давомида қуйида қайд қилинган фойдали жиҳатларни амалга ошириш учун вақтини ажратган инсонларнинг шахсий ҳаёти кескин тарзда яхши томонга ўзгариб кетади:

— Кунига 20 дақиқа спорт билан шуғуллансангиз, саломатлигингиз хавотирини чекмайсиз;

— Ҳар куни 20 дақиқасини уй саришталигига сарфлаган одам бесаранжомлик ғамидан қутулади;

— Кунига 20 дақиқасини диққатни жамлаш учун сарфлаган киши ижод қобилиятсизлигидан нолимайди;

— Эри ё хотинини эшитиш учун кунига 20 дақиқа ажратадиганлар муносабатларда муаммо чиқишидан хавотир олмаса бўлаверади;

— Бир кунда 20 дақиқа фойдали китоб ўқийдиган киши дунёқараши кенгайишига ишонавериши мумкин;

— Кунига энг камида 20 дақиқа вақтини болаларига бағишлаган одам эса, улар орқасидан яхши гап эшитишга умид қилса бўлади;

— Бир кунда 20 дақиқа очик ҳавода сайр қилган киши нафас йўллари касалликларидан узоқ бўлади;

— Даромад келтирувчи манба яратиш тўғрисида ҳар куни 20 дақиқа бош қотирган инсон молиявий фаровонликдан хавотирланмаса ҳам бўлади;

— Кунига дам олиш учун 20 дақиқа фурсат ажратадиган инсон ҳолдан тойиш ва қаттиқ толиқишдан кўрқмаса ҳам бўлади;

— Фойдали китоблар ўқиш учун кунига 20 дақиқа вақт ажратадиган киши қандай қилиб мутахассис бўлиш тўғрисида куйинмаса ҳам бўлади;

— Кунига 20 дақиқа ўзи билан қолиб, ишларини таҳлил қилолган одам ҳаётнинг чигал йўлларида адашиб қолмайди.

Оғриқ

Ота-онани ҳурмат қилиш ва уларни рози қилиб яшаш менталитетимизга хос фазилатдир. Фарзандларга ана шундай анъаналарни сингдирган ҳолда улғайтириш ҳам бир қадрият. Аммо, афсуски, кам ҳолларда бўлса-да, ота-онасини қақшатганлар бор, албатта. Мисол учун, Тошкентда 90 ёшли отасига ўшқираётган йигит, Кармана туманида маст ҳолатда онаси билан тортишиб, уни ғишт билан уриб ўлдириб қўйган эркак, Самарқандда ўз онасини пичоқлаб қўйган ўсмир каби хунук ҳолатлар учраб туради. Айниқса, отани норози қилганлар оқпадар дейилади. Бу фақат ўзигагина эмас, фарзандларига ҳам тамға бўлиб қолаверади.

Фарзанд
оқпадар бўлиб
туғилмайди

Шу ўринда савол туғилади: оналар ҳам оқ қилиши мумкинми? Оналар оқ қилишса, нима деб аталади? Атамаси ҳам йўқ. Чунки оналар ҳар қандай ҳолатда кечиримли бўлишади. Аммо ота-онага бепи-сандлик қилиш каби иллатлар нега содир этилмоқда? Қаерда хато қилияпмиз? Биз ана шундай саволларга жавоб излашимиз, керак бўлса, қаердадир ҳосил бўлган бўшлиқни излаб топишимиз лозим.

Яқинда ёш оналарнинг суҳбати эътиборимни тортди. "Боламга кўзимни катта қилиб очиб қарасам, нима менга кўзингизни олайтирасиз, ана, синглимга қаранг", дейди ҳамманинг олдида, бирам уялдим" деди. Иккинчиси эса: "Бизнинг давримиз бошқача эди, оналаримизни қарашдан ҳамма нарсани тушуниб олардик. Ҳозиргиларга битта гапни ўн марта қайтариш керак", деди...

Оналар фарзандларини бири-бирига айблашдан нарига ўтмади. Ўша ёш оналар ўзидан катта ота-оналарга қандай муносабатда экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўришармикан? Бола ҳар қандай муносабатни дарров тақлид қилишга ҳаракат қилади. Бу фанда ҳам исботланган. Боласини тўғри йўлга қайтара олмай нолиганлар айбни ўзидан қидириб кўриши керак эмасмикан?

Яна бир гап. Айрим қизларнинг ҳолатини кўриб, эртага

қандай қилиб она бўларкан, деб ўйлаб қолсан киши. Сирдарёдаги 10-синф қизларининг муштлашуви, Чирчиқдаги йигит талашган ўсмир қизлар каби ҳолатларда ким айбдор? Фарзанд оқпадар (ёки оқмодар) бўлиб туғилмайди. Уни оқпадар қилиб тарбиялаб қўяпмиз, чоғи. Фақат буни кеч англаб етаяпмиз. Меҳр ва рағбатни вақтида олган болага ўз қилмишларидан тўғри хулосалар чиқаришга ўргатсаккина, нимагадир эришган бўламиз.

Нима қилиш керак? Тарбия оддий муносабатлардан бошланади. Дастурхонга ўтирганда, олдин ота, кейин она таомга қўл узатиши, катта лаганга сузилган таомдан фақат ўзига қаратилган томонидангина ейиши мумкинлиги, катталарга чойни кичкиналар сузиб бериши, ҳамма таомланиб бўлмай, дастурхонга фотиҳа қилинмасдан ўрнидан туриб кетмаслик каби энг кичик элементлар ҳам аслида тарбиянинг бир кўриниши. Аммо бунга баъзи замонавий оилаларнинг замонавий ота-оналари бефарқлик билан қараётгани дилни хира қилади. Фарзанд мисоли ниҳол, уни қандай парваришлаш ҳар бир ота-онанинг ўз қўлида. Фақат ниҳолга бериладиган ҳар қандай маҳсулот меъёрида бўлиши шарт.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.

Финляндия бош вазири Санна Марин турмушга чиқди. У 16 йилдан бери учрашиб юрган йигити — футболчи Маркус Райкконен билан оила қурди.

ФУТБОЛЧИ БОШ
ВАЗИРГА УЙЛАНДИ

Эр-хотиннинг икки ярим ёшли қизи бор. Тўй ҳукумат раҳбарининг қароргоҳида бўлиб ўтди.

Марин ўтган йилнинг декабрь ойидан бери бош вазир лавозимида фаолият юритади. У нафақат Финляндия, балки бутун дунёдаги энг ёш ҳукумат раҳбари (36 ёш) саналади. Эътиборли жиҳати, унинг қўл остидаги 19 вазирдан 12 нафари аёлдир. Шунингдек, мамлакатдаги энг йирик бешта партиядан тўрттасига аёллар етакчилик қилади.

ЛИБОСЛАР СОТУВИ
2400 ФОИЗГА ЎСДИ

"Реал" ҳужумчиси Карим Бенземанинг Франция терма жамоасига қайтгани ўзига хос шов-шувга айланди.

"Реал" форварди сўнгги бор миллий терма жамоаси либосида 5,5 йил олдин ўйнаган эди.

Бенземанинг французлар термасига қайтгани эълон қилинганидан сўнг либослар сотуви 2400 % га ўсди.

Франция либослари "Nike" компанияси ҳамкорлик қилаётган термалар орасида энг кўп сотилмоқда.


Ҳ. ТУРҒУНОВ.

Ана, холос!

Японияда ҳар йили ўтказиш анъанага айланган "юбари" қовунлари аукционда бир жуфт полиз маҳсулоти 25 минг АҚШ долларида сотилди.

Қовунларни болалар учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи "Hokkaido Products Ltd" компанияси сотиб олган. Компания қовунларни музлатиб қўяди ва уларнинг бўлақларини ижтимоий тармоқлар орқали лотерея тарзида аниқланган оилаларга юборади. "Юбари" қовунлари билан оғир пандемия даврида инсонлар кайфиятини кўтаришни истаймиз", — дейди компания вакиллари.

Одатда, "юбари" қовунларининг биринчи аукциони ёз келганидан далолат беради. "Юбари" деликатес ҳисоблангани сабаб нархи 50 доллардан бошланади. 23 майдан буён Хоккайдо префектурасида жами 466 та шу каби қовунлар йиғиб олинган.

ИККИТА ҚОВУН УЧУН
25 МИНГ ДОЛЛАР

*Рус шоҳи Петр I ичкиликбозликка қарши курашнинг ўзига хос усулини танлаган. Бунинг учун пиёнистага вазни 7 килога тенг медаль

МОЗИЙГА БИР НАЗАР

ҳадя этишарди. Лекин медални ечиб қўйиши қатъиян тақиқланган.

*Таиланд давлат мадҳиясини рус бастакори ёзиб берган.

*Хрущев Америкадаги "Пепси" компаниясининг реклама агенти бўлган.

*Қадимий Хитойда эркаклар-

га кокил ўстириш тақиқланган. Бу феодализм иллоти сифатида қабул қилинган.

*Араб ҳарфларини арабларнинг ўзи эмас, ҳиндистонлик математиклар яратган.

*Дунё тарихида энг узоқ давом этган уруш 335 йилга чўзилган.

Лекин шунча кўп вақт давомида урушган томонларнинг биронта ҳам аскари ҳалок бўлмаган.

* Гитлернинг асосий душмани Сталин эмас, балки, Юрий Левитан бўлган. У машҳур суҳандоннинг боши учун 250 минг марка мукофот эълон қилган эди.

* XVII-асрда термометрнинг ичига симоб эмас, коньяк қуйишган.

Олимжон ҲАЙИТ тайёрлади.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2021 йил 19 майда 1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-649 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

